«Тасдиқлайман>>

Давлатобод тумани хокимининг

1-ўринбосари

__________ О.Акбаров

28.07.2022 йил

Тикув машиналарини етказиб

берувчи ташкилотни танлаш бўйича

# танлов хужжатлари

Буюртмачи: Давлатобод туман хокимлиги

Наманган-2022

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

### 1.1. Товарнинг характеристикаси

| Номи | Миқдори | Суммаси |
|---|---|---|
| тикув машинаси | 10 дона | 4 200 000 сўм |

**1.2.** Танлов қиймати 42 000 000(қирқ икки миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қаьбул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

## 2.Танлов ташкилотчилари

**2.1.** Давлатобод туман хокимлиги (бундан кейин- "буюртмачи" деб аталади)- танлов ташкилотчиси хисобланади.

**2.2.** Танлов буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади.

## 3.Танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

**3.1** Танловда мулкчилик шаклидан қатьий назар шу мазмунда иш ва хизматларни кўрсатишга ихтисослашган камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

**3.2.** Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

**3.2.1.** Танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолотномаси хамда ишларни(хизматларни) бажариш учун зарур бўлган мутахассисларнинг мавжудлиги;

**3.2.2.** Танлов обьектига ўхшаш обьектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

**3.2.3.** Ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маьлумотлар;

**3.2.4.** Низом маблаға миқдори.

**3.3** Агар танлов предмети бўлган ишларни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиши учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

## 4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш

**4.1.** Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига жойлаштириши мумкин.

**4.2.** Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, буюртмачи томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган ишларни кўрсатилиши керак;
- Танлов иштирокчилари фақат битта таклиф беришга хақли.

## 5. Томонларнинг жавобгарлиги

**5.1.** Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**5.2.** Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлигига ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6.Бошқа шартлар

**6.1.** Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қаьбул килишга хақли. Товарни ўзгартиришига йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эьтиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эьлонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эьлонга ўзгартиришлар киритилади.

**6.2.** Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эьлонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эьтиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифла бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровгв белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.